

«Йўқ», деган эди, уни ҳам ўлдириб, (ўлдирган одамлари сонини) юзтага етказди. Кейин у яна дунёдаги энг илмли одамни сўради. Уни бир олим кишига йўллашди. У унга ўзининг юзта одам ўлдирганини айтиб, «Энди менга тавба борми?» деди. У шундай деди: «Ҳа. Сени тавбадан ким ҳам тўса оларди? Сен фалон-фалон жойга боргин, у ерда Аллоҳ таолога ибодат қиладиган одамлар бор. Улар билан Аллоҳга ибодат қилгин, лекин ўз юртингга қайтмагин, чунки у ёмон ердир», деди. У йўлга тушди. Ярим йўлга етганда унинг ажали етди. Шунда раҳмат фаришталари билан азоб фаришталари унинг устида тортишиб қолишди. Раҳмат фаришталари: «У тавба қилиб, қалби Аллоҳга юзланган ҳолда келган эди», дейишди. Азоб фаришталари эса: «У ҳеч бир яхши амал қилмаган эди», дейишди. Шу пайт одам суратидаги бир фаришта келиб қолди. Уни ўрталарида ҳакам қилишди. У: «Икки ернинг орасини ўлчанглар. У қайсинисига яқин бўлса, ўшан(инг аҳли)дан бўлади», деди. Ўлчаб кўришса, у кетаётган ерига яқинроқ экан. Шундай қилиб, уни раҳмат фаришталари олиб кетишди».

Муттафақун алайҳ.

Бошқа бир саҳиҳ ривоятда: **«Яхши юртга бир қарич яқин экан. У ўша шаҳар аҳлидан саналибди»**, дейилади.

Яна бир бошқа саҳиҳ ривоятда эса қуйидагича айтилади:

«Аллоҳ таоло: «Келган тарафдаги ерга узоқ бўл, бораётган тарафдаги ерга яқин бўл», деб ваҳий қилди. Ва: «Икковининг орасини ўлчанглар», деди. Натижада бораётган томонига бир қарич яқин экан. Бас, у мағфират қилинди».

Бошқа ривоятда: **«Кўкси билан ўша томонга йиқилган»**, дейилган.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI

